

# Маҳалла

1996 йилдан чиқа бошлаган

2013 йил 8 июнь. Шанба №49 (910)

www.mahallagzt.uz

info@mahallagzt.uz

## «УНИВЕРСИАДА — 2013» СПОРТ ҲАМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА


Қадрли ўғил-қизларим!  
Муҳтарам устоз ва мураббийлар, хурматли меҳмонлар!  
Бугун уйиб-ўсиб, катта ният ва ишонч билан ҳаётга кириб келаётган сиз, азиз фарзандларимизни Ўзбекистон ёшлар олимпиядасида қатнаштириш ва спорт байрами бўлиши «Универсиада — 2013» ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан муборакбод этаман.  
Укамиздаги барча спорт муҳлисари, миллионлаб ёшларимиз, бутун халқимизнинг диққат-эътиборини бугун ўзига тортаётган бу спорт байрамнинг «Кўҳна ва боқий Бухоро» деб ном олган табарруқ заминда ўтказилаётгани ушбу тантанани алоҳида маънавият ва кутаринки руҳ бағишламоқда, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.  
Азиз «Универсиада» қатнашчилари!

Ҳар уч йилда ўтказиладиган бу спорт байрамига давлатимиз ва жамиятимиз томонидан қандай улкан эътибор ва аҳамият берилаётгани янада яққол аён бўлади.  
Буларнинг барчаси авваламбор сиз, азиз болаларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, вояга етаётган фарзандларимизнинг тараққий тошган давлатлардаги тенгдошларидан кам бўлмаслиги, улар билан бемалол беллашувга тайёр бўлиши учун, лунда қилиб айтганда, навқирон ёшларимизнинг халқимиз, Ўзбекистонимизнинг таянчи ва суянчи, биз интилаётган юксак марраларга етиш йўлида ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга кириши учун — ана шундай буюк мақсадларга эришиш учун амалга оширилаётганини тушуниш, англаш қийин эмас.  
Қадрли фарзандларим!  
Халқимиз, жамоатчилигимизга яхши таниш бўлган, ҳаммамизга куч-қувват бағишлайдиган, эртанги кунга ишонч тугдирадиган «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз!» деган олижаноб давлат барчамизни мана шундай гузал ва бетакрор Ватанимизга меҳр қўйиб, ғурур ва ифтихор билан яшашга қорлайди.

Сизларнинг «Кичик Олимпиада» деб аталган мана шу нуфузли мусобақага қандай кескин кураш ва беллашувлар орқали етиб келганингиз, ўз оқинингизга қўйган мақсад йўлида азму шижоат ва қатъият кўрсатиб, олий ўқув юрларида илму фан ўққуларини эгаллаш билан бирга, спорт майдонларида ҳам умидбахш натижаларга эришганингиз, мамлакатимизда ўтказиладиган спорт ўйинларининг энг юқори босқичи бўлган 2013 йили «Универсиада» финалига чиққанингизнинг ўзи, ҳеч шубҳасиз, ҳар бирингиз ўзингиз таниган спорт тури бўйича катта ютуқларни қўлга киритганингиздан гувоҳлик беради.  
Албатта, бундай юксак марралар ва шохсупаларга кутарилиш учун қанча-қанча ҳаракат, қанча куч-қувват, ирода ва мардлик кераклигини ана шундай ҳолатларни бошидан кечирган ҳар қайси одам ўзига яхши тасаввур қилиши мумкин.  
Бу фикрларнинг тасдиғини қуйидаги рақам ва мисоллар яққол намойиш қилади.  
«Универсиада» ўйинларининг саралаш босқичларида иштирок этган қарийб 138 минг талаба орасидан яққул босқичга 1020 нафар қатнашчининг етиб келгани бу мусобақаларнинг миқдоси нақадар кенглиги ва уларнинг нечоғли қаттиқ курашлар асосида ўтганини кўрсатади.  
Мамлакатимизда олтинчи бор ташкил этилаётган «Универсиада» беллашувларини юқори савидада, ушшоқлик билан ўтказиш учун аввало жойларда, вилоят ва шаҳарларда зарур шароитлар яратилгани, жумладан, Бухоро шаҳрида ўнлаб муҳташам спорт саройлари ва мажмуалари бунёд этилгани, қарийб 93,5 миллиард сўм маблаг сарфланиб, катта ҳажмдаги қурилиш, реконструкция ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилганини инобатга оладиган бўлсак,

Ҳозирги вақтда миллий спортимиз ифтихорига айланган Ришод Собиров, Аббос Атоев, Рустам Қосимжонов, Оқғул Омонмуродова, Светлана Радзивил, Севара Қодирова, Денис Истомина, Саида Искандарова, Ваҳид Меньков, Дилшод Мансуров каби ўнлаб истеъдодли ёшларимизнинг спорт олимпиадасида ютуқлари учун айнан «Универсиада» мусобақалари парвоз майдончаси бўлиб хизмат қилгани яхши маълум. Сизлар ҳам ана шундай муқим спортчиларимизнинг изидан бориб, келажакда Ватанимиз байроғини жаҳон спорт майдонларида баланд кўтаришигизга барчамиз тилақдошимиз.  
Ҳеч шубҳасиз, «Универсиада — 2013» беллашувлари эл-юртимизга хос бўлган ҳалоллик, мардлик ва ўзаро ҳурмат руҳида ўтади, қадимий Бухоро заминидан яшаб ўтган буюк аجدдоларимизнинг руҳи поклари сизларни қўллаб-қувватлайди, деб ишонаман.  
Фурсатдан фойдаланиб, сизларга атаб юксак талабларга жавоб берадиган замонавий спорт мажмуаларини барпо этган кўрувчи ва муҳандисларга, мутасадида ва ҳудудий ташкилотларга, бағрикенг, меҳмондўст Бухоро аҳлига ўз номидан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик изҳор этаман.  
Азиз ўғил-қизларим!  
Барчангизни бағримга босиб, сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад ҳамisha ёр бўлишини тилайман.  
Ислоҳ ҚАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

### «УНИВЕРСИАДА — 2013»



## ЁШЛИК ВА ШИЖОАТ БЕЛЛАШУВИ ҚИЗГИН ПАЛЛАДА

Республикамиз талаба ёшлари ўртасида ўтказиб келинаётган Универсиада мусобақалари иштирокчилар маҳорати, баҳслар кескинлиги ва мurosасизлиги билан уч босқичли спорт мусобақалари орасида алоҳида ажралиб туради.

Ўзига хос кичик олимпиада мақоми олан ушбу спорт ўйинларида иштирок этишни истаманган унинг финал босқичида майдонга тушишни ҳавас қилмаган талаба бўлмас керак.  
Қадим шарқ дурдонаси — кўҳна ва боқий Бухорода иккинчи бор старт олган ушбу нуфузли мусобақага ташриф буюрган иштирокчилар иттиҳидан байрамона кувонч ва шукҳунинг англаб олиш қийин эмас.

Дастлабки икки кун натижаларига кўра бир неча спорт турлари бўйича голиб ва совриндорлар аниқланди. Чунинчи, «Семур» спорт мажмуасида ўтаётган ўйинларда энг кўп медаллар шодасини тақдим этувчи сузиш баҳсларида ҳозирча 16 тўптам медал ўз эгаларига топириди.  
Шунингдек, аёллар ўртасида 50 метрга эркин сузиш баҳсларида ўз тоифаларида андижонлик Раъно Омонова

ҳамда навоийлик Пётр Ромашкинга тенг келадигани топилмади.  
Андижонлик Музаам Худоерова ва Фарҳод Омиловлар 200 метр масофага чақанча сузиш усулида маррага биринчи бўлиб етиб келишди. Брасс усулида сузишда ҳам 200 метр масофага биринчи бўлиб забт этишди. Умуман брасс, эркин ва чақанча усулда 50 метр, 100 метр, 200 метр масофаларни ўтишда умумий ҳисобда Андижон вилояти жамоаси пешқадамликни қўлга киритган бўлса, иккинчи урини пойтахтликлар банд этди. Наманганлик ёшлар эса, навоийлик тенгдошларини орта қолдириб, 3-урини эгалладилар.

> [2]

### КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

## МИЛЛИЙ САЙЛОВ ТИЗИМИ ДЕМОКРАТИК МЕЗОНЛАРГА УЙГУНЛАШГАН

Мамлакатимизда сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар изчил, босқич-ма-босқич модернизация қилиниши натижасида демократиянинг муҳим шартин — миллий сайлов тизимининг қонунчилик асослари умумэтироф этилган халқаро принципларга тўлиқ мос ҳолда шаклланди.

Зеро, аҳолининг давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини демократик тарзда ташкил этишдаги иштироки, асосан, сайловларда намойён бўлади.  
Бош Қомусимизнинг 32-моддасига асосан, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Мазкур конституциявий нормалар, ўз навбатида, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғри-

сида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлари билан тартибга солинаётган.

Миллий қонунчилигимизда сайловга доир муносабатлар беш турдаги тизимдан иборат. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш тартиби, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларини, Сенат аъзоларини, вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари депутатларини ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби юқорида номлари қайд этилган қонуналарда ўз ифодасини топган.

> [2]

### ТАШРИФ

## НОЁБ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ХОРИЖЛИКЛАР ЭЪТИРОФИДА

Бугунги кунда мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида маҳалла фуқаролар йиғини аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш ҳамда давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб боришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Миллий қадрият ва анъаналарни ўзидан мурасам этган бу ноёб бошқарув тизими хорижий давлатларнинг бир қатор мутахассислари ва экспертлари эътирофига сазовор бўлмоқда.  
Юртимизда ташкил этилаётган турли халқаро конференцияларга дуненинг кўплаб давлатларидан ташриф буюраётган экспертлар, мутахассислар Президент Ислоҳ Қаримов раҳнаомлигида жамиятимиз ҳаётида тобора мустақкам

урин эгаллаётган фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятига юксак баҳо беришаётган.  
Яқинда Буюк Британия Парламентининг «Британия — Ўзбекистон» умум-парламент гуруҳи раҳбари Лорд Ж.Вейвернинг юртимизга ташрифи доирасида пайтахтимизнинг Олмазор тумани «Гуруч арик» маҳалла фуқаролар йиғинида учрашув бўлиб ўтди.  
Унда Олий Мажлис Сенати масъу-

лоҳидими Тоҳир Шайманов, Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги фавулоода ва мухтор элчиси Жорж Эдгар ҳамда Тошкент шаҳри маҳаллаларида фаолият олиб бораётган фуқаролар йиғинлари фаоллари иштирок этди.  
Меҳмонга «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви мутасаддилари томонидан мамлакатимизда асрлар давомида шаклланиган миллий қадрият ва анъаналар, маҳалла тарихи, йиғинлар фаолияти ҳамда янги таҳрирдан қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар ҳамда бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди.  
Тадбир доирасида маҳалла институ-

ти фаолиятига бағишланган фильм лоийҳасини тайёрлаш, Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги алоқаларни янада мустақкамлаш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар бўйича тажриба алмашиш хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.  
Учрашувда иштирок этган маҳалла фаоллари меҳмонга фуқаролар йиғинларида сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалаларга доир жамоатчилик фикри шаклланигани, туй-маъракалар, ҳашарлар маҳалла аҳлиси ўтмаслиги, маҳаллаларда ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси, жамоат тартибини сақлаш, маҳалланинг ҳуқуқий мақоми, фуқаролар йиғинларининг органлари ҳамда «Ота-оналар университети» фаолияти, йиғин раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига сайланган номзодларга қўйиладиган та-

лаблар ҳақида гапириб бердилар.  
Йиғин мутасаддилари Буюк Британияда ҳам бу каби тизим бор экани йўқлиги тўғрисида Лорд Ж.Вейвернинг фикрлари билан қизиқдилар. Юқори мартабали меҳмон ва Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчиси Англияда бундай тизим ва унга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар мавжуд эмаслигини таъкидлашди. Ўзбекистонда маҳаллалар ҳамда улар фаоллари томонидан бажарилган ишларни Британияда турли нодавлат ташкилотлари амалга оширади.  
Мартабали меҳмон юртимиздаги маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятига юксак баҳо бериб, туپланган тажрибаларни ўзаро ҳам қўллаш лозимлиги хусусида фикр билдирди.

Толибжон НИЗОМОВ  
«Mahalla»



ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

## МАҲАЛЛАЛАР ЯНАДА ОБОД БЎЛАДИ

«Маҳалла, таъбир жоиз бўлса, кишилик жамиятида алоҳида тарбиявий аҳамиятга молик бўлган ўзига хос маскандир, дейиш мумкин. Бу ноёб таъриб, аҳолининг маҳалла бўлиб яшаш тарзи жаҳоннинг бошқа мамлакатларида кам учрайди. Шунинг учун ҳам инсонни жамият билан бирга яшашга ўргатадиган, шу руҳда тарбияладиган бирламчи ва беқийс макон — бу маҳалладир», дея таъкидлаганди Юртбошимиз ўзининг «Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз» асариди.  
Дарҳақиқат, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида жойлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда маҳаллаларнинг унумли фойдаланган ҳолда кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг таянчи, оилавий бизнесни ривожлантириш маркази ҳамда давлат бошқарув органлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатган идора сифатида фаолият юритишини таъминлаш учун, биринчи галда, моддий-техник базасини мустақкамлаш лозим, албатта. Бу масала айни куннинг долзарб вазибалар сирасига киритилиб, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида ҳам алоҳида таъкидланган.  
— «Обод турмуш йили» Давлат дастурига мувофиқ, Нурота туманида 2 та, Хатирчи туманида 1 та ва Навоий туманида 1 та маҳалла фуқаролар йиғини биноси қайта қурилиб, фойдаланишга топширилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг Навоий вилояти бўлими бошқаруви раиси Нормурод Исоқов. — Шунингдек, бўлими томонидан 16 миллион сўм маблаг ажратилиб, 9 та фуқаролар йиғинига компьютер жамланмаси олиб берилди.  
Бу хайрий ишда маҳаллий ҳокимият органлари астойдил ҳамкорлик қилаётгани яхши натижа берапти. Жумладан, Нурота туманида маҳалла фуқаролар йиғинлари биносларини қуриш, мавжудларини таъмирлаш, маҳалла идораларининг милиция таянч пунктлари билан бир бинодо фаолият кўрсатишини таъминлаш, шунингдек, уларнинг моддий-техник базасини мустақкамлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

> [3]

### ЯНГИ РУКН: МАҲАЛЛА ТАРИХИДАН

## Миллий қадрият ва анъаналар ифодаси



Азалдан аҳоли турмуш тарзи билан боғлиқ масалалар ҳамда оила ҳаётига оид муаммолар маҳаллада ҳал этилган. Қўни-қўшничилик, каттага ҳурмат, кичикка иззат, жамоа фикри билан иш тутиш каби меzonлар миллий менталитетимизнинг устувор хусусияти ҳисобланган. Маҳалла жамиятининг ўзига хос тарбия ўчоғи, миллий анъаналар, урф-одатлар сайқалланган, фуқароларни гоёвий жиҳатдан бирлаштирадиган ўзига хос маскан саналган.  
Ўзбек маҳаллалари чинакам миллий қадриятлар маскандир. Узаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжмандлар ҳолидан хабар олиш, туй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан ўтказиш каби фазилатлар оила ва маҳалла муҳитида шаклланиган.  
XX асрнинг 20-йилларида қадар маҳалла 50-60 хонадондан ташкил топан бўлиб, шаҳарларда даҳа таркибига кирган. Бундай даҳалар Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива, Кўкон, Қарши, Марғилон, Термиз, Қарман, Нурота ва бошқа шаҳарларда мавжуд бўлган.

> [4]

«УНИВЕРСИАДА — 2013»

# ЁШЛИК ВА ШИЖОАТ БЕЛЛАШУВИ ҚИЗГИН ПАЛЛАДА



< [1]

— Давлатимиз раҳбарининг «Универсиада — 2013» спорт мусобақалари очилиш маросимида биз ёшларга йўллаган таъбирлариди: «Халқимиз, жамоатчилигимизга яхши таниш бўлган, ҳаммамизга куч-қувват бағишлайдиган, эртанги кунга ишонч тутирадиган «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз!» деган олижаноб даъват барчамизни мана шундай гўзал ва бетакрор Ваганимизга меҳр қўйиб, гуруру ва ифтихор билан яшашга чорлайди» деган сузлари мени бениҳоя тўқналатиб юборди, — дейди Андижон вилояти Булоқбойи туманида истиқомат қилувчи Фарҳод Омилов. — Мухтарам Президентимизнинг биз ёшларга нисбатан ана шундай ишончарига жавобан мен ҳам мусобақаларда муносиб қатнашишга ҳаракат қилдим. Муваффақиятнинг маҳаллаимизда ёшларнинг спорт билан шугулланишлари учун яратилган қулай шароитлар самарасидир. Бунга нафақат мен, балки маҳалладошим, яқин қариндошим Собитжон Омиловнинг ҳам ушбу баҳслардаги муваффақияти мисолида кўриш мумкин.

Кураш азал-азалдан халқимизнинг энг сеvimли спорт турларидан бири бўлиб келган. «Хумо спорт» мажмуасида кечаётган миллий ҳамда белбоғли кураш баҳслари юртимизнинг энг сарока талаба полковлари беллашувига айланиб кетди. Бунда мухлислар жаҳон ва Осиё гиламларида довраг қозонган Самижон Убайдуллаев, Мирал Шарипов, Шерал Жўраев сингари номдор полковлар уйларидан заъқ олишмоқда.

Миллий кураш баҳсларида 60 килограмм вазнда андижон

қаларида турли масофаларга югуриш бўйича фарғоналик Достон Сайдалиев, сирдарёлик Артём Дятлов, жиззахлик Роман Штукан голиб чиқди. Эстафета беллашувларида Самарқанд, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри спортчилари кучли учлидан ўрин олди.

Югуриш бўйича қизлар ўртасида пойтахтлик Дарья Резниченко, самарқандлик Зарина Тойирова ҳамда Зарингор Ортиқова биринчи ўринни эгаллади.

Енгил атлетиканинг уч сарлаб сакраш мусобақаларида самарқандлик Руслан Қурбонов, пойтахтлик Анастасия Байқова, бандликка сакрашда пойтахтлик Артём Резниченко ва Екатерина Воронина олтин медални қўлга киритди.

Ядро улоқтиришда энг юқори кўрсаткич — 12 метру 67 сантиметр натижа қайд этган Санжар Холиқов Бухоро вилояти терма жамоаси захирасига олтин медал келтирди.

Хулоса қилиб айтганда, мусобақанинг ўтган икки кунлида 48 шода медал ўз эгаларига топирилди. Бунда умумий ҳисобда Тошкент шаҳри жамоаси етакчилик қилаётган бўлса, кейинги ўринларни Андижон ва Фарғона вилоятларининг жамоалари эгаллаб туришибди.

Қизин ва мурасиди ўтаётган мусобақаларнинг яқиний натижалари бутун аниқланади.

Ақбар РУСТАМОВ «Mahalla»



М. АМИН, Т. ИСТАЮВ (ЎзА) олган суратлар

## КЎРИК-ТАНЛОВ

# БЕЛЛАШУВДА МАҲОРАТ ҲАМ, ТАЖРИБА ҲАМ БИРДЕК ЗАРУР

Авал хабар берганимиздек, шу кунларда республикамиз бўйича фуқаролар йиғинларининг «Энг намунавий диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи»си кўрик-танловининг вилоят босқичлари қизгин давом этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ушбу кўрик-танловнинг нуфузи йил сайин ортиб, унда иштирок этаётган маҳалла маслаҳатчиларининг билим, тажриба ва маҳоратлари охиб бормоқда. Натижада бугунги кунда ўз ишчи пухта билан, ташкилотчи, соҳага оид қонуналар ва қонуности ҳужжатлардан тўла хабардор маслаҳатчи сони тобора қўлаймоқда. Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролар йиғинларида 388 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи фаолият кўрсатаётган. Улар ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан қонуни сонлар этиб тарбиялаш, оила институтини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мустақамлаш, жамятда тинчлик ва ҳамжиҳатликни қарор топтириш борасида хайри ишларни амалга оширмоқда.

Нукус шаҳри Бердақ номидаги театрда фуқаролар йиғинларининг «Энг намунавий диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи»си кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Унда танловнинг туман ва шаҳарларда ўтказилган беллашувларида голиб бўлган 16 нафар маслаҳатчи иштирок этди. Биринчи шартда маслаҳатчилар иш фаолиятларига доир ҳужжатларни юритиш бўйича билим ва маҳоратларини намойиш қилдилар. Кейинги шартда эса, янги тахрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун

ришга бўлган эътиборнинг ифодаси сифатида каштачилик ҳамда зардузлиқ намуналари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги мусикали драма ва комедия театрида кўрик-танловнинг Андижон вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги 14 та туман ҳамда 3 та шаҳардан саралаб олинган маслаҳатчилар савол-жавоб шартлари асосида беллашилди.

Танловда Балиқчи туманидаги «Товуқ» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Гулнора Ҳакимова голибликни қўлга киритиб, республика босқичига йўналмоқда. Иккинчи ўрин Олтинқў тумани «Ойшахоним» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Оминахон Омонова, учинчи ўрин Пахтабод тумани «Елғизбоб-2» маҳалласи вакили Сайёра Мирзаевага насиб этди.

— Ушбу танловнинг нуфузи йил сайин ортиб бормоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бош мутахассиси Одинахон Ибрагимова. — Маслаҳатчилар танловга ҳар томонлама жиддий тайёргарлик қўришди. Улар беллашувларда нафақат ўзлари, айни чоғда, маҳалласи ҳамда тумани шаънини бандлаб тутишга интидилар.

Бугунги кунда Жиззах вилояти маҳаллаларида 255 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи фаолият олиб бормоқда.

Кўриш кеча Жиззах шаҳрида ташкил этилган танловда шаҳар ва туман босқичларида голиб бўлган 12 нафар маслаҳатчи беллашилди.

Бу йилги кўрик-танловнинг барча шартлари бўйича энг кўп балл тўплаган Дўстлик туманидаги Наврўз шаҳарча фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Зилола Юсупова биринчи ўринни қўлга киритди.

Иккинчи ўрин Жиззах шаҳар «Олмазор» маҳалласи маслаҳатчиси Обтобой Нишоновага насиб этган бўлса, Пахтакор туманидаги Самарқанд қишлоқ фуқаролар йиғини вакиласи Гулҳеҳра Усмонова учинчи ўринга лойиқ топилиди.

Самарқанд шаҳрида ҳам ушбу кўрик-танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Бугунги кунда вилоятда 1104 нафар маслаҳатчи меҳнат қилмоқда.

— «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш маслаҳатчилардан фидойиликни талаб этгани, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бош мутахассиси Фароғат Шокирова. — Зеро, маҳаллаларда жамятиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий миллий қадриятларини асраб-авайлаш ва мустақамлашда уларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Танлов давомида йиғилганлар дастлаб иштирокчиларнинг фаолиятига доир кўргазмалар билан таништирилди. Шундан сўнг ҳакамлар хайрия томонидан ҳар бир маслаҳатчининг фаолияти белгиланган шартлар бўйича баҳолашди.

Яқиний натижаларга қўра, биринчи ўрин Оқдарё туманидаги «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Матлуба Эшмурадовага насиб этди. Иккинчи ўрин Иштихон туманидаги «Халқобод» маҳалласи маслаҳатчиси Тўтиби Ражабова қўлга киритди. Уруғ туманидаги «Юқори Каанлар» вакиласи Мехрият Ярабаева эса учинчи ўринга лойиқ қўрилди.

Сурхондарё вилоятида ўтган кўрик-танловда 14 нафар маслаҳатчи танлов низомида белгиланган шартлар бўйича ўзларининг билим ва маҳоратларини синовдан ўтказди. Нуфузи ҳакамлар хайрия томонидан уларнинг ҳужжат юритиш

лари, кўргазмали тарбия-ташвиқот ишларини олиб боришлари, саҳна чиқишлари, саволларга берган жавоблари баҳолаб борилди.

Шеробод тумани «Ёшлик» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Норхал Мирзаева танловнинг учала шarti бўйича 180 балл тўплаб, голиб бўлди. У кўрик-танловнинг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилди. Термиз тумани «Ат-Термизий» номидаги маҳалла маслаҳатчиси Сора Раҳмонова иккинчи, Термиз шаҳридаги «Сурхон соҳили» маҳалласи вакиласи эса учинчи ўринга муносиб кўрилади.

Фарғона вилоятида ҳам кўрик-танлов голиблари аниқланди. Танловнинг шаҳар ва туман босқичларида голиб бўлган 19 нафар энг намуналий маслаҳатчи вилоят босқичида ўзларининг назарий ва амалий билимларига қўра саралашди.

Қизилқум уттан танловда юқори балл тўплаган Бағдод туманидаги «Мурувват» маҳалла фуқаролар йиғинини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Марҳаб Абдурахмонова голиб деб топилиб, танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Қўқон шаҳридаги «41-Урганчи» ва Ўзбекистон туманидаги «Ражабгар-2» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчилари Раънохон Рўзиева ва Маҳбуба Абдулова эгаллади.

Мазкур кўрик-танловнинг Қашқадарё вилояти босқичи кутариники кайфият ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтди. Унда шаҳар ва туман босқичларида голиб бўлган маслаҳатчилар ўз фаолиятларини фотолар, буклетлар орқали намойиш этишди. Таъбирда миллий анъана ва урф-одатлар, қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришга доир кўргазмалар ва мил



А. ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

лий ҳунармандчилик намуналари йиғилганларда катта таассурот уйғотди.

— Юрғошимиз фармони асосида фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилганда бундан маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит яхшилади, нотинч оилалар, ажримлар сони кескин камайди, — дейди Фонднинг вилоят бўлими бош мутахассиси Юлдуз Раваилова. — Маҳалла маслаҳатчилари бизнинг энг яқин кўмакчимизга айланди. Хотин қизларни иш билан таъминлаш, уларни таъбиркорликка жалб этиш, оилавий келишмовчиликларнинг олдини олиш, айниқса, никоҳдан олдинги тиббий кўрик сингари масалаларда уларнинг таъбиркорлиги кўп келипти.

Жорий йилги танловда 14 нафар маслаҳатчи иштирок этди. Бу уларнинг ўз вазифаларига бўлган ишонч ва масъулиятини ошириши билан бирга, изланишга, фалол бўлишга, оилаларга чуқурак кириб бориш

га, муаммоларни жойида ҳал этишга янада кўпроқ таъжриба ва маҳоратга эга бўлишга ундайди.

Танловда Шаҳрисабз туманидаги «Наврўз» маҳалласи маслаҳатчиси Соҳиба Пардаева голиб деб топилиб ва республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Касби туманидаги «Хужаки» маҳалласи маслаҳатчиси Кўйсин Собирова иккинчи ўринга лойиқ топилиб бўлса, Яқкабғо туманидаги «Жамил» маҳалла вакили Дилбар Бобоназарова учинчи ўрин билан кифойланди.

Голиб ва совридорлар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар билан тақдирландилар. Таниқли санъаткорларнинг чиқишлари танловга байрамона руҳ бағишлади.

Жойларда кўрик-танловнинг вилоят босқичлари қизгин давом этмоқда.

Мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.

Зафар РЎЗИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтини етакчи илмий ходими, юридик фанлари номзоиди.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда фуқаролар сайлов ҳуқуқлари кафолатларининг таъминлангани мамлакатимиз тараққиётини янада жадаллаштириш, фуқароларнинг жамят бошқарувидаги фаолигини кучайтиришга хизмат қилди.

Бу эса, ўз навбатида, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларининг ваколатларини амалга оширишга ҳақ томонидан билдирилаган кучли хоҳиш-ироданинг ёрқин ифодасидир.

Фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўлиши, қонда тарбиясида, олий таълимда эга бўлиши, сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларида ёки таъбиркорлик ва бошқа ҳўжалик фаолияти соҳасида иш таъбирисига, шунингдек, ҳаётий таъбирисига ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилиб, оғир ёхуд ута оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олим ташлабмаган шахслар, шунингдек, суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган, ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар, диний ташкилотларнинг профессор-онал хизматчилари фуқаролар йиғини раиси лавозимига сайланиши учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмаслиги оид масалалар ҳам ўз аксини топади.

Жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида демократик тамойилларга тўла мос равишда фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилар лавозимларида сайловлар ўтказилиши режалаштирилган. Бу улкан ижтимоий жараёнларда янги тахрирдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини тўғрисида»ги қонун муҳим дастуриламал бўлиши шубҳасиз.

ЮРТИНГ ОБОД – ДИЛИНГ ОБОД

МАҲАЛЛАЛАР ЯНАДА ОБОД БЎЛАДИ



жойлашган. Мазкур йигинларда нотинч оилалар деярли кузатилмади, кўни-кўшнилари аҳилликда яшашмоқда. Яқинда ҳудуддаги «Истиқбол» маҳалла фуқаролар йигини ҳам барча қўлайликларга эга янги бинога кўчиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, Мустақам оила йили Нурута туманидаги маҳалла фуқаролар йигинларининг моддий-техник базасини мустақамлашда самарали давр бўлди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси саъй-ҳаракати натижасида 12 та фуқаролар йигини биттадан компьютер туғлими билан таъминланди. Ҳозирги кунда ҳудуддаги барча йигинлар ана шундай замонaviй иш куралига эга.

Шунингдек, утган йили Фонднинг вилоят бўлими бошқаруви ҳамда ҳомийлар томонидан барча маҳалла фуқаролар йигинлари компьютер жамоатчалари билан таъминланди. Фонднинг Зарафшон шаҳар бўлинмаси томонидан «Шаҳр» маҳалласига меъле жиҳозлари олиб берилди. 29 та маҳалла биносига жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бу хайрия амаллар Обод турмуш йилида ҳам давом этирилиб, 18 та маҳалла фуқаролар

биринчи чорагида маҳалла биносини туғли таъмирланди.

— Бунинг учун Фонд бўлинмаси томонидан 200 миллион сўм маблағ ажратилди, — дейди фуқаролар йигини раиси Ориф Бозоров. — Тадбиркор Гаффор Шодмоновнинг ҳомийлик кўмаги ҳам тахсинга лойиқ. Туман ҳокимлиги қарори асосида қўшимча қоналар ажратилди. Айниқса, биномизга 86-миллиция таянч пункти жойлаштирилгани биз учун катта қўлайлик тугдирди.

Ҳозирда тумандаги «Мирришкор» ва «Чуя» маҳалла фуқаролар йигини миллиция таянч пунктлари билан бир бинода

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК

ҲУНАРДАН РИЗҚ УНДИРАЁТГАНЛАР

Бутун водийга донги кетган Наманган шаҳридаги «Чорсу» бозорининг ёши қарийб шахар билан тенгдош. Азальдан бу ерда дехқончилик маҳсулотлари билан бирга ҳунармандчилик намуналари савдоси ҳам қизиган.

Хусусан, Наманган чеварлари, бешиксозу личоқчилари, қосибу дупидидалари ўз расталарига эга бўлишган. Кейинги йилларда бозор қайтадан қурилмоқда. Ез келиб, туйлар мавсуми бошлангани боис бозор янада гавжум. Айниқса, ҳунармандларнинг қўли-қўлига тегмайди. Кавуш-маҳсилларнинг бозори чаққон.

— Ниқоз туйида келинчакнинг сепади албатта кавуш-маҳси бўлади, — дейди ёш қосиб Исроил Абдураҳмонов. — Бундан ташқари, келарди шун оёқ кийимини маъқул қилишади. Чунки урф-одатлардан ташқари, унинг бир қатор афзалликлари ҳам бор. Энг аввало, кавуш-маҳси қўлай пойабзал. Езда иссиқдан, қишда эса совуқдан асраб, оёқларга бир хил ҳарорат беради. Саломатлик учун фойдали. Шу боис харидори аримайди.

Дарҳақиқат, қосиблар қанчаллик қўш бўлмаса, ҳар бирининг дўкони мижоз билан тўла. Ҳунарни авлодан-авлода мерос қолдириётган сумолар ҳам талайгина экан. Хусусан, Исроилнинг отаси Абдураҳим, бобоси Абдураҳмон бобо ҳам маҳсудиз.

— Болалигимдан уйимизда бу ҳунар билан шуғулланишгани учун катта бўлгач, касб танлашда иккиланмадим, — дейди Исроил. — Асосан қўл меҳнати талаб этиладиган маҳсудизлик ордан ота-бобо маҳаллада, шаҳарда ҳурмат-этибор топилди, ҳаётимиз фаровон, дастурхонимиз тўқин. Астойдил ҳаракат қилсам, икки-уч соғда битта маҳси тикиб битираман. Оиламиздан кунинга ун-ун бештагача маҳсулот бозорга чиқди. Уйимиз шундоққина бозор ёнидаги «Тахтақўприк» маҳалласида жойлашган. Ҳозир маҳалладаги уч-тўрт нафар ёшларга ҳам ҳунар ўргатылди.

Йигитнинг айтишича, кавуш-маҳси тикиш эркакларнинг иши. Чунки куралишидан соғда ва осон тикилганга ўхшагани билан, бу юмуш ўта мураккаб, инсондан куч талаб қилади. Айниқса, чокларини бир текисда, майдалаб тикиб чиқишга бардош керак. Сўхбатимиз асносида атрофимизни бир гуруҳ қосиблар ўраб олишди. Улар орасида ўсмир болалар ҳам, соқо-

ли куқига тушган нурунийлар ҳам бор эди. Гап-гапга улашиб, юртимизда ҳунармандларга яратилган шароитлар, кўрсатилган ғам-ҳўрликларга бориб тақалди.

— Яқка тартибаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, қонуний фаолият курсатсам, турли имтиёзлардан баҳраманд бўламиз, — дейди яна бир қосиб Муҳаммадожон Каримхонов. — Ўз ҳунарини кенгайтириб, оилавий бизнесте айлантиришнинг асло кам бўлгани йўқ. Айниқса, «Оилавий тадбиркорлик туғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳунармандчилик тартиқиётида мўҳим аҳамият касб этмоқда. Мен ҳам оилада уч ўғлим билан қосиблик қиламан. Тикаётган оёқ кийимларимиз сифатлиги боис, қўшни вилоятлардан ҳам мижозлар келишади. Ҳозир набираларини, кўни-кўшни шоғирларини ҳам ҳисобласак, аъзолар сонини кичик қорхона очишга яқинлашди. Келгусида оилавий бизнесте оилавий қорхонага айлантириш ниятим бор. Ҳунар ордан тўқин яшаб, уй-жой, туйлар қилариз. Бу этиборга, рағбатга яраша ота-боболаримиздан қолган миллий ҳунармандчиликни янада ардоқлаб, турлагича келгуси авлодга етказишимиз керак.

«Чорсу» бозори атрофида «Шарқ тонги», «Курашхона», «Чорсу», «Авиё домла», «Тахтақўприк» каби унга яқин маҳаллар жойлашган. Шаҳарнинг қадимий ҳудуди ҳисобланган бу фуқаролар йигинларида аҳоли сонини кўп. Аксарият хонадонларда ҳунармандчилик ривожланган. Ҳатто ҳунармандчиликнинг қайси-дир соҳаси кенг ёйилган кўчалар ҳам шу ерда. Қосиблар кўчаси дегани ҳар бир маҳаллада бор. Бугунги кунда нафақат вилоятда, ҳатто мамлакатимизда машҳур бўлган «Амир», «Дамбоғ» савдо белгилли катталар ва болалар пойабзаллари ҳам маҳаллий қосиблар андозалари асосида яратилган. Зеро, нафақат уйи, маҳалласи, шаҳри гул, ҳатто қўли ҳам гул наманганилар учун ҳунар катта имкониятлар манбаи ҳисобланади.



Жамшид БЕК «Mahalla»

ҲАР БИР БОЛАГА МЕҲР, ЭЪТИБОР

Биз баркамол авлодмиз

Фуқаролар йигинларида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш қўмитаси билан «Ҳар бир болага меҳр, эътибор» маҳсулоти ҳафталига ҳамда «Биз баркамол авлодмиз» 10 кунлиги доирасидаги тадбирлар давом этмоқда.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоқур туманидаги «Чулпон ота» маҳалла фуқаролар йигинида жамоатчилик асосида фаолият юритаётган Нурунийлар кенгаши, «Ота-оналар университети» аъзолари ташкил этган байрам тадбири ҳам «Ҳар бир болага меҳр, эътибор» шiori остида ўтди.

— Тадбирга 10 нафар кам таъминланган, 14 нафар боқувчисини йўқотган ҳамда 16 нафар имконияти чеklangан бола қатнашди, — дейди мазкур йигин раиси Абдураши Муҳаммадожон.

ИСТЕЪМОЛЧИ ХУҚУКИ

Муаммолар ечимида муҳим омил



Баъзан бирор буюм ёки озиқ-овқат маҳсулотлари сотаётган, маиший, транспорт, коммунал хизмат кўрсатяётган кишилар томонидан йўл қўйилган хатонинг жабрини истеъмолчи тортади.

Бундай пайтларда айримларнинг оилавий бюджетига жидай зиён етди. Хуқуқий билимга эга фуқароларнинг идорамизга мувожаат қилиши натижасида ҳар қандай қонунга зид ҳолатларга ўз вақтида барҳам берилмоқда.

Жумладан, «Дустлик» маҳалласида яшовчи Мурод Рузиматов арза билан мувожаат қилди. У шахсий жағмағарасидан 1 млн. 100 минг сўм сарфлаб, дўкондан телевизор сотиб олган. Аммо уйига келтириб, ускунанинг носозлиги маълум бўлади. Харид қилган жойига қайтариб олиб борган М.Рузиматовга дўкон эгалари қўпол муомала қилиб, телевизорни алмаштириб беришдан бош торттишган, у биздан ёрдам сўраган. Аризани синчиклаб ўрганиб, қонуний йўл билан муаммага ечим топдик. Истеъмолчи хуқуқи тўқилди, телевизор янгисига алмаштирилади.

Шаҳардаги Найман кўчаси, 55-уйда яшовчи Муҳаммад Иноятнинг газ таъминоти тўловлари бўйича берган арзиси ҳам қаноатлантирилди. Ошиқча туланган коммунал тўлов истеъмолчи фойдасига ундирилди.

Фуқаролар уртасида истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларни маҳаллаларда тарғибот қилишга, бу борада «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан мустақам ҳамкорлик урганганимиз кўп ва бошқа ҳолатларнинг оддини олаётимиз. Кишиларнинг хуқуқий онгини ва истеъмол маданиятинини оширишда тарғибот-ташвиқот ишларини изчил йўлга қўйиш мақсадида маҳалла, қорхона, ташкилот, ўқув муассасаларида 61 та таянч гуруҳи туғилди. Улар тарқибдаги фаоллар билан бирга бозорларда, савдо, маиший, техник, коммунал хизматлари кўрсатиш шохобчаларида рейдлар, суровномалар ўтказилмоқда. Натижда аҳолининг истеъмол маданияти юксалиб бормоқда.

Коллеж ва лицейларда «Истеъмолчи — қонун ҳимоясида» мавзусида ўқув-семинарлари, мактабларда «Энг билимдон ёш истеъмолчи — 2013» кўрик-танловлари ўтказишни йўлга қўйдик. Бу борадаги ишларини ҳар томонлама кўчайтириш давр талаби, турмушининг ободлиги гарови. Шу боис фаолиятимизни янада кенгайтирмоқдамиз.

С.ОЛЛАБЕРГАНОВ, Хива тумани Истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси.

янги бинога кўчиб ўтиши ўзига хос воқеа бўлди. Бундай бунёдкорликлардан кузланган мақсад, аввало, халқ манфаатларини таъминлаш, одамларга қўлайлик яратишдан иборатдир.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури ҳамда вилоят ҳокимининг 2013-2016 йиллар давомида фуқаролар йигинлари моддий-техник базасини мустақамлаш бўйича дастурига мувофиқ, мавжуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари биноларини рекон-



Холбиби САФАРОВА «Mahalla»

ГАЗЕТХОН МАКТУБИ

Ҳар куни эътибор ва рағбатдамиз

Бутун «маҳалла» деган ном барча юртдошларимиз, айниқса, биз каби меҳрга муҳтож инсонлар учун бирдек азиз, муътабар.

«Чулпон 100 йиллиги» номидаги маҳалламиз кўндан-кўнга ривожланиб, чирой очиб бораётган обод ва саришта йигинлардан. Одамларнинг аҳиллик, оқилолиги ҳаёт кечираётганида фуқаролар йигини раиси Нозимжон Чўлиевнинг ҳиссаси катта. Шунингдек, йигиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича масаҳатчиси Назирахон Мамажонова, маъсул котиб Одинахон Розикова, «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тўғрисида сардор Шавкатбек Мадумаров раис билан бирга ҳудуддаги ҳар бир масалада уларнинг маъсулигини намойиш этаётганидан аҳоли мамнун.

Икки йил аввал маҳалла аёлларнинг иш билан таъминлигини борасида бироз муаммо юзга келганда йигин раиси Н.Чўлиев дарҳол унинг ечимини топди. Тадбиркорларни жалб этган ҳолда, ҳудуддаги буш турган бинолардан бирини тикув цехига айлантириб, 30 нафарга яқин хотин-қизини иш билан таъминлади.

Бундан ташқари, фуқаролар йигини ҳудудда маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари қад ростламоқда. Ободлаштириш ва кўламазорлаштириш ишлари авжида. Қай бир хонадонга қирманг, тўқинлик ва оқилолигини кўриб баҳрилингиз очилди.

Йигинимизда аҳолининг эҳтиёжманда қатламларини ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш анъанасига айланган. 2012-2013 йилларда 8 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг суннат туйларини ўтказиб берилди. Бундан ташқари, йигин томонидан ҳудудимиздаги 16-умумтаълим

Доно ИБРАГИМОВА, Андижон шаҳридаги «Чулпон 100 йиллиги» маҳалла фуқаролар йигини фаоли.



Мақтаби ўқувчилари ёғиғиз қарияларнинг уй ишларига ёрдам бериш учун бириктирилган. Улар ҳовли-хонадонларимизни тартибга келтириб, мева ва экинларимизни парваришлаб, бизга катта ёрдам беришмоқда.

Мен ёғиғиз яшовчи, меҳрга муҳтож инсон сифатида маҳалламизнинг қўлағини, рағбатини доимо ҳис этиб тураман. Яқинда биз каби меҳрга муҳтож инсонларга «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бўлинмаси томонидан уч тўқинли радио тўғфа этилди. Бундай эътибордан кўнглимиз тоғдек кутарилади. Қолаверса, бизга ҳар байрам, муҳим саналарда қўлаб совғасаломлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, уй-рўзгор буюмлари беришни қанда қилишмайди.

Юртимизда биз каби эҳтиёжманда кўнгли ярим инсонларни қўлаб-қувватлаётган фуқаролар йигинларининг мутасаддилари ҳаминша омон, меҳр-оқибат маскани маҳаллазар эса янада обод бўлаверсин.

**Хурматли юртдошлар!**

**«АСАКА»** давлат-акциядорлик тижорат банки (очтиқ акциядорлик жамияти)

Аҳолидан коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловларни қабул қилади. Ушбу тўловларни «Асака» банк (ОАЖ) барча филиаллари, минибанклари ва махсус кассаларида нақд пулда ёки пластик карточкалар орқали амалга оширишингиз мумкин.

Маълумот учун телефонлар:  
Филиаллар ва минибанклар фаолияти бўйича:  
(8-371) 120-82-72, 120-82-66, 120-82-29.

Махсус кассалар фаолияти бўйича:  
(8-371) 120-39-48, 120-39-87.

Инфокиосклар ва тўлов терминаллари бўйича:  
(8-371) 120-81-79, 120-81-90, 120-82-76, 120-81-39.

«Асака» банк (ОАЖ) кўн каналли ягона «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» рақами:  
(8-371) 120-82-88

Тўловларни қабул қилувчи филиаллар ва минибанклар манзили «Асака» банк (ОАЖ) расмий веб-сайтига ([www.asakabank.com](http://www.asakabank.com)) жойлаштирилган.

«Асака» банк (ОАЖ) — молия хизматлари бозорида Сизнинг ишончли ҳамкорингиздир!

Хизматлар лицензияланган

ЯНГИ РУКН: МАҲАЛЛА ТАРИХИДАН

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ ВА АНЪАНАЛАР ИФОДАСИ



Археологик манбаларга кўра, қадимги шаҳарлар уридан қалъа ва деворлар билан ўралган кўҳна маҳаллар қолдиқлари топилган. Маҳалла бронза давридан шакллана бошлаган. У антик даврда жамоа, кейинчалик маҳалла деб аталган. Илк урта асрларда Мовароуннахр шаҳарларидаги барча аҳоли яшаш жойлари маҳалла, деб юритилган.

Урта Осиёнинг қадимги шаҳарларида бир қанча жамоа учун алоҳида қалъа ва кўрғонлар, ибодатхоналар бунёд этилган. Бу эса, маҳалланинг илдизлари қадимги даврларга бориб тақаллишидан дарак беради.

Манбаларда қайд этилишича, «маҳалла» атамаси илк бор муаррих Абу Бакр Нершахийнинг «Бухоро тарихи» асарида учрайд. Ушбу амага VIII аср бошларида Бухоро шаҳрининг ички даҳаларини белгилаш учун қўлланилган. Муаллиф шаҳарнинг марказий шахристон қисми ҳақида ёзар экан, бундай жойлар алоҳида деворлар билан ажратилиб, 3-4 маҳалладан иборат булганми ҳақида эътиборини қаратади. Маҳалла атамасига Махмуд Кошгарийнинг «Девони луготи ттурк», Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадгу билиг» асарларида ҳам изох берилган.

Ўзбекистонда маҳалла бошқаруви узоқ тарихга эга. Маҳалланинг тузилиши, маъмурий бошқаруви тизими ўзига хос булган. Утмишда маҳаллага ҳақ орасидан сайланган оқсоқол бошлик қилган. Маҳаллада масжид имоми, мироб, айёллар орасидан сайланган кайвон фаолият кўрсатган. Шаҳарда маҳалла идорасида мираз, қорувул, хазиначи каби катта-катта мансабдорлар хизмат қилган. Маҳаллага катта ҳаётий таърибга эга, ҳақ орасида ҳурмат-этибор қозонган, элга қайишпайдиган кишилар сайланган.

Утмишда маҳалла оқсоқолига катта ҳуқуқ ва ваколатлар берилган. Жумладан, қозининг баъзи ҳуқуқларини ижро

этиш, айрим солиқларни йиғиш, сув ҳавзалари ва мироблар фаолиятини назорат қилиш, маҳалла озодалиги, осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш, оилавий низоларни ҳал этиш, маҳалла ҳудудидаги савдо расталарини назорат қилиш каби масалаларга маҳалла раиси бошчилик қилган. Оқсоқолнинг обрў ва мавқеи, айниқса, оилавий маросим ва тадбирларни бошқаришда кўзга ташланган. У давлат ҳокимиятининг маҳалладаги вакили сифатида ҳақнинг умумий фикри билан иш юритган.

Маҳаллада аҳолининг асосий машғулоли қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик булган. Маҳалла аъзолари касб-кори, этник ёки ижтимоий қатламга мансублигига қараб маҳалланинг маъlum ҳудудида яшаганлар. Хусусан, новвойлар новвойлар маҳалласида, қасоблар қасоблар маҳалласида, ип йиғирувчилар духчилар маҳалласида, ёғочсоз ва ўймакорлар усталар маҳалласида, кулоллар қузагарон маҳалласида, кигиз, гилам туқувчилар наमतзано маҳалласида яшаганлар. Бундай маҳаллар Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хива, Ҳўжанд, Термиз, Нурота, Шаҳрисабз, Қўқон каби шаҳарларда булган.

Маҳалладаги ҳунармандлар қасабаларга уюшганлар, қасабага ҳам оқсоқол бошчилик қилган. Қасабалар деҳқон ва чорвадорларни ҳунармандчилик махсулотлари билан таъминлаб турганлар. Маҳалла раиси қасаба оқсоқоли билан биргаликда иш юритган. Ҳар бир қасабанинг ўз низоми ва жамағатини булган. Жамағат маблаг, қасаба эҳтиёжидан ташқари, камбағал оила эҳтиёжи, хайр-эҳсон ишлари учун ҳам сарфланган.

Хайрия ишлари маҳалла масжиди билан ҳамкорликда олиб борилган. Хайрия пуллари, асосан, маҳалладаги ўзига тўқ, бой-бадавлат оиламар, кичик қорхоналар (тегиримон, жувоз, жун, ип йиғирини цехлари) эгаларидан тулганлар.

Маҳалла оқсоқоли ва масжид мутаваалиси маҳалладаги кам таъминланган оилаларга, етим болалар, бева аёллар ва кўп болали хонадонларга кириб, ҳайит байрамларида ҳайитлик (кийим-кечак, мато, бугдой, совун) тарқатганлар. Ҳайит ва жума кўнлари дошқозонларда таом(ҳалим, гўжа, атала) пиширилган ва эҳтиёжмандларга улашилган.

Қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам жамоа аъзолари бошқарувининг яна бир муҳим кўриниши кўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар орасида таркиб толган «маслаҳат кенгаши» ҳисобланган. Маслаҳат кенгашида қариндош-уруғлар ва жамоа аъзоларининг қатнашуви, маъlum масалаларни муҳокама ва ҳал қилиш учунгина эмас, балки моддий харажатларнинг маъlum қисмини қоплаш учун ҳам зарур булган.

Маҳаллада аёлларнинг узаро уюшмасига кайвони бошчилик қилган. У аёллар орасидан сайланган ҳамда маросимларни бошқариш туруви чи, обрў-эйтиборни аёл булган. Кайвони маҳалланинг эйтиборли лавозимларидан саналиб, одатда бой-бадавлат аёллар орасидан эмас, балки жамоатчи, ташаббускор, диний имдан хабардор аёллар орасидан сайланган.

Сайлов одатда маҳалла гузариде масжид имоми, қишлоқ ва қасаба оқсоқоли ишгирикдда ўтказилган. Масала тортишув, баҳс даражасига етидиган бўлса, бек ёки қозининг сўнги ҳуқми ҳал қилув қарори булган. Бир сўз билан айтганда, ҳақимиз ҳаётида ўзига хос урин тутадиган маҳалларда узаро кўни-қўшничилик муносабатлари тарихан шаклландган қон-қариноқдошлик, миллий менталитетимиз, урф-одатларимизга хос аъналар ижобий таъсир кўрсатган.

Камола ФАРФИЕВА, Файзулла ТОЛИПОВ, Тошкент давлат техник университети Социология ва миллий гоя кафедраси ўқитувчилари.

ОИЛА — МУҚАДДАС ҚЎРҒОН

ИНСОНИЙЛИК ВА ЭЗГУЛИК МАНБАИ

Бахтли оила бахтли кишилар жамоасидир. Унинг аъзолари бир-бирларини қанчалик чуқур тушунсалар, узаро англашув асосида муомала-муносабатга киришиб аҳил турмуш кўрсалар, бундай оиладан жамиятга ижобий таъсир кўрсатадиган етук шахслар етишиб чиқади. Демак, кўриниб турганидек, шахс, жамият, оила ривожига бир-бирига узвий боғлиқ.

Оила муқаддаслиги, унда тарбияланаётган фарзандларнинг жисмоний ва маънавий баркамоллиги барча даврларда долзарб аҳамият касб этган. Чунки оила оламдаги барча эзгулик, инсонийликнинг манбаи, ҳаёт бардавомлигининг асоси ва таянчидир. Жамият истиқбол ида дунёга келадиган, тарбия топадиган ва шахс сифатида шаклланидиган кишилар қўлида.

Президентимиз Исломо Каримов «Оқсақ маънавийат — енгилмас куч» китобида: «Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди» деб таъкидлайди. Бинобарин, еш оилаларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга турму имтиёзлар бериш, уй-жой билан таъминлаш масалалари ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида.

Маънавий тарбия, аввало, оилдан бошланади. Оила мустақкам, тинч ва фаровон бўлса, жамиятда барқарорлик ҳукм суреди. Шу боис мамла-

катимизда оилани мустақкамлашга алоҳида эътибор беришмоқда. Асосий Қонунимизнинг «Оила» деб аталган 14-бобида оиланинг жамиятда тутган ўрни, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар, оила мустақкамлиги, унинг маънавий-ахлоқий асоси ўз юртимизда инсонни удуғлаш, унинг яшаш ҳуқуқини кафолатлаш каби эзгу ниятлар давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан далолатдир.

Онгли инсон ва жамият ҳаётининг барча томонларини, жумладан, оилавий муносабатларни ўз домига тортишга уринаётган глобаллашув жараёни ҳар бир миллат олдига еш авлоди турли маънавий-мафкуравий таътиқлар таъсиридан сақлаб қолмиш, миллий аъналар ва маънавий қадриятларни асраб-авайлашдек мураккаб вазифаларни кўндалаган қўймоқда. Зеро, бу муқаддас гуша миллатнинг руҳини шакллантириш, қиёфасини сақлаб қолмиш, инсоний ва ижтимоий муносабатларни таркиб топтириш учоғидир.

Ота-онанинг оилада фарзандлар тарбияси билан мақсади, тизимли шугулланмаслиги салбий оқибатларни келти-



Н.ҲАЙДАРОВ оғлан сурат.

риб чиқариши мумкин. Чунки доимиманд Арасту айтганидек: «Ота-она болани дунёга келтирганлари учун эмас, балки уни одобли қилиб вояга етказганликлари учунгина оқшига сазовор була оладилар».

Еш оилаларга тиббий, ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида «Еш оила» марказлари ташкил этилди. Ушбу марказларга йилига 12 миңдан зиёд ешлар, жумладан, 7 миңга яқин қиз ва 5 миңдан зиёд йигит мурожаат қилмоқда. Бундай марказлар сонин йилдан-йилга ортиб, фаолият доираси кенгайиб бораёттир.

Оилавий тарбиянинг мураккаблиги шунақки, ҳар бир оила алоҳида олам. Эр-хотин, бола-бола, қайнона-қайнота, ака-ук, опа-сингли, тоға-аммаи ҳамда бо-

ларининг биргаликда ишлаб даромад топиши, адабиёт, санъат, им-фан ва спорт билан шугулланиши, қўни-қўшничилик алоқалари, руҳий-маънавий ҳолатлари, маҳалладаги туй-маъракаларга қатнашиши ва ҳоказолар оила муҳитини ташкил этади. Мазкур муҳит ахлоқ-одоб, маънавий мезонлари асосида бунёд этилса, бола шахсининг тўғри шаклланиши учун шарт-шароит яратса, бундай оиладаги фарзандлар ҳар томонлама соғлом вояга етади.

Ҳар бир милаатнинг характери, хусусиятлари бўлади. Ўзбек оиласининг ташқаридан сезимайдиган ўзига хос ички қонун-қоидалари, ахлоқий мезонлари бор. Масалан, оила аъзолари ҳар куни барвақт турришлар шарт. «Ризқ-руз тонгда улашилади, рағлат босиб ётган киши ризқдан қуруқ қолади», дейилади. Зеро, барвақт турган кўнимизда иш ва ўқинишнинг унумли бўлиши барчамизга маъlum.



Музокараларга ҳозирлик

Шимолӣ Корея ҳукумати жануб билан Кейсанг мажмуасини қайта очиш тўғрисида музокарага тайёр.



Мазкур давлат ҳудудида жойлашган ва икки давлат фуқаролари тарафидан бошқариладиган санаот мажмуаси жануб ва шимол ўртасидаги муносабатлар таранглаш-

гани боис ёпиб қўйилган. Пхеньян чегаранинг икки тарафиде бир-биридан ажраб қолган қариндошларнинг бирлашувига оид масалани муҳокама қилишга ҳам тайёр. Жанубий Кореянинг Бирлашиш масалалари бўйича вазирлиги шимолнинг тақлимфини ижобий қабул қилган.

Узаро муносабатлар ўтган йил декабрь ойида Шимолӣ Кореянинг сунъий йўлдош учирини ва февраль ойида ядровий синов ўтказиши ордидан таранглашганди.

Икки хил манзара

Стгокгольм халқаро тинчлик институти ўтказган тадиқот ҳисоботида Хитой, Ҳиндистон ва Покистон сўнги бир йил давомида ядро қуролларини янги ядровий каллақлар билан бойитгани айтилган.

Хитой айни дамда 250 та ядровий каллақка эга. Утган йили эса бу кўрсаткич 240 тани ташкил қиларди. Покистонда бутуғни кунда 120 тагача, Ҳиндистонда эса 110 тагача ядровий каллақ бор.

Утган йил мейибониде фақат Россия ва АҚШ ўз ядровий арсеналини қисқартирган. Хусусан, Россияга тегилили каллақлар 10 миңдан 8,5 миңга, АҚШ каллақлари эса 8 миңдан 7,7 тагача қисқартирилган.

Латвия еврога ўтмоқчи

Европа институлари Латвиянинг евро валютаси ҳудудида қўшилишини маъқуллади.



Европа марказий банки ва Европа Комиссияси чиқарган

баёндода айтилишича, Латвия барча кўрсаткичлар бўйича евро валютасини қабул қилиш шартларига жавоб беради. Болқибўйи давлати 2014 йилдан бошлаб евро валютасига ўтиши мумкин.

Латвиянинг евроҳудудида қўшилиш бўйича яқиний қарор июль ойида Европа Иттифоқи Молия вазирлари тарафидан қабул қилиниши керак.

Интернет хабарлари асосида Ф.КОМРОН тайёрлади.

Ўзбек спортчиларининг улкан шижоати

Пойтахтимизда давом этаётган аънавий «Harry Caravan» халқаро турнирида спортчиларимиз алоҳида предметларда машқ бажариш бўйича иккитадан олтин ва кумуш, бир бронза медалини кўлга киритди.



А.АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) оғлан сурат.

Яккаликлар ўртасида умидли гимнастикачимиз Сабина Тошкенбоева тўпда композиция намойиш этиш бўйича олтин медалга сазовор бўлди. Россиялик Олеся Петрова кумуш, қозғистонлик Сабина Ашпирбаева бронза медал билан қифояланди.

— Халқаро турнирда Ўзбекистон ешлари шижоат ва маҳорат, истеъдод ва салоҳият бобида ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлашни мақсад қилган эдим, — дейди турнир голибаси С.Тошкенбоева. — Мақсадим рўёбга чиққанидан, мураббийларим, яқинларим ва

муҳалислар ишончини оқлаганидан хурсандман.

Ҳақда машқ бажариш бўйича икки вақалимиз совриндор бўлди. Равлия Фарҳуддинова кумуш медалини кўлга киритган бўлса, Жасмин Юсуповага бронза медал nasib эди. Россиялик Дина Аверина олтин медалга сазовор бўлди.

Туруҳлар ўртасида ҳақда машқ бажаришда Фарангиз Аҳмедова, Комила Рустамова, Гузал Раимонова, Сабрина Раимонова, Карина Тагаева ва Ирина Салехдан иборат Ўзбекистон жамоаси шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиди.

Мамлакатимизнинг Нозима Собирхонова, Самира Амирова, Дяна Орехина-Рижина, Екатерина Сабирстова, Дяна Эргашева ва Алина Қосимовадан иборат яна бир туруғи кумуш медал билан тақдирланган бўлса, қозғистонлик спортчилар кучли учлиқдан жой олди.

Байрам АЙТМУРОДОВ, ЎзА мухбири.

НАФСИ ЎПҚОН БОЗОРҚЎМ

Азал-азалдан бозорлар кут-баракат тимсоли сифатида юртимизнинг рамзи бўлиб келган. Бундай масканлардаги тўқин-сочинлик ушбу мамлакат халқининг қай даражада тўқ ва фаровон ҳаёт кечираётганидан далолат бераган.

Энг асосийси, бозорлар халқимиз истеъмоли учун неъматлар манбаи, тадбиркору ишбилармонлар, сотувчиларга фаолият юритиш макони сифатида қадрланиб келинган.

Одамлар ризку рўз макони деяр, бу ерда бирор ноҳуя иш ёки хатти-ҳаракат қилинши ўзарани тийишган. Бу хислатларни йимон ва виждонларининг бир бўлаги сифатида билишган.

Минг афсуски, бутуғна ке-

телерадио ва газеталар орқали кўриб, эшитиб, ўқиб турибмиз. «Юқоричириқ тумани деҳқон бозори» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мастур Усмонова ҳам юқоридеги салбий фикрларга ҳамоҳанг тарзда иш тутди. У раҳбарлик қурисига ўтиришга, ўзини йўқотиб-қўйди. Раҳбарман дея, ҳеч кимни менсимай, кўл остидаги илчилару бозордаги тадбиркорларга нисбатан паст назар билан қарар, гўе уларнинг паноҳида юради, шунинг учун доимо хизматиде бўлишлари керак, деб ҳисобларди.

Энг қизиғи, бозорга худди хусусий мулкдек муносабатда бўлиб, ҳар бир сотувчи тадбиркордан патта пулларидан ташқари яна узининг шахсий

манфаатлари учун қўшимча маблағ талаб қилар, шотирларни орқали нақд пулларини йиғиб, жигидонига урарди. Ус-тамонлик шу даражада эдики, узининг чўнтағига тудашдиган пулларини ҳам сохта хат-хужжатлар билан расмийлаштириб, сиртига сув юктиришни истамасди. Таажубли жиҳати шунақки, бунгача бозор фаолиятини ўраниши мақсадида келган баъзи бир текширувчилар ҳам М.Усмонованинг ялтоқланишию, ўз айбини хасиш-лаш борасидаги устамонлиги туйғайли унга ҳаққоний жазо чораси кўришни лозим топишмаган эди.

М.Усмонованинг нафс ўқоғни шу даражада кенгайдики, энди бозорда тадбиркорлик

билан шугулланишини истовчи жисмоний шахслардан ҳудуддан жой ажратиб бериш эвазига 1000 АҚШ долларидан пул талаб қила бошладди. Қурбақани боссан ҳақ «вак» дейди, деганларидек, бозорда ишлашни хоҳловчиларнинг бу талабдан фиғонларини фалакка етди. Охири-оқибат уларнинг ҳуқуқни муҳофазе қилувчи идорани хоҳимларига қилган мурожаатлари асосида бозор раҳбарларининг жиноий қилимлашлари бўйича махсус тадбир уюштирилди.

Ҳуқуқни муҳофазе қилувчи идора ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда бозор раҳбари Мастура Усмонова ва унинг уринбосари, шотир, ҳамтовогои Комила Каримова

тадбиркорлардан 1000 АҚШ долларини олаётган пайтда кўлга олмиди. Қўза кўзданмас, кўнида си-нади, деганларидек, бу икки нафси ҳақалак отган шахс ўзларини ўзлари тузоққа айлантиришди. Энди улар қилимлашлари яраша қонун олдида жавоб берадилар.

Мазкур ҳолат юзасидан Жиноят Кодексининг тегшлик моддаларига асосан жиноят иши қўзғатилади ҳамда тергов-сурштирув ишлари бошлаб юборилди.

Зокиржон НУРМУҲАММЕДОВ, («Oshlog hayoti» газетасининг 2013 йил 6 июнь сонидан олинди).

Mahalla ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета. Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ. Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй. Индекс: 100083. Интернет хабарлари асосида Ф.КОМРОН тайёрлади.